

Date: 7th October-2025

CERTAIN ISSUES OF APPLYING PREVENTIVE MEASURE IN THE FORM OF
DETENTION IN CRIMINAL PROCEEDINGS

Egamkulov Doston Farhod ogli

Master's Student, Academy of Law Enforcement Agencies

Abstract. This article examines the main procedure, time limits, and practical issues of applying detention as a preventive measure within the system of procedural coercive measures established by the criminal procedure law of the Republic of Uzbekistan. Detention is applied to prevent suspects and accused persons from absconding, destroying evidence, or committing new crimes. However, the application of this measure without lawful grounds leads to violations of human rights and freedoms. The article analyzes, based on the provisions of the Criminal Procedure Code, the procedure for applying this preventive measure and the problems arising in practice.

Keywords: detention, accused person, suspect, defense counsel, apprehension.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕСИДА ҚАМОҚҚА ОЛИШ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ
ЧОРАСИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Эгамқулов Достон Фарход ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура
тингловчиси

Аннотация. Ушбу мақола Ўзбекистон жиноят процессуал ҳуқуқида эҳтиёт чоралари тизими доирасида қамоққа олишнинг қўлланилишининг асосий тартиби, муддатлари ва амалиётдаги муаммоларни ўрганади. Қамоққа олиш гумон қилинувчи ва айбланувчиларни қочиб кетиши, далилларни йўқ қилиши ёки янги жиноятлар содир этишининг олдини олиш учун қўлланилади, аммо унинг ноҳақ асослар мавжуд бўлмаганда қўлланилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузишга олиб келади. Мақолада ЖПК нормалари асосида ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби ва муаммолар талқин этилади.

Калит сўзлар. Қамоққа олиш, айбланувчи, гумон қилинувчи, ҳимоячи, ушлаб туриш

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ МЕРЫ ПРЕСЕЧЕНИЯ В ВИДЕ
ЗАКЛЮЧЕНИЯ ПОД СТРАЖУ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Эгамкулов Достон Фарход угли

Магистрант Академии правоохранительных органов

Аннотация. В данной статье рассматриваются порядок применения, сроки и практические проблемы использования меры пресечения в виде заключения под стражу в системе мер процессуального принуждения, предусмотренной уголовно-



Date: 7th October-2025

процессуальным законодательством Республики Узбекистан. Заключение под стражу применяется в целях предотвращения скрывания подозреваемого или обвиняемого от органов следствия и суда, уничтожения доказательств либо совершения ими новых преступлений. Однако применение данной меры при отсутствии законных оснований приводит к нарушению прав и свобод личности. В статье на основе норм Уголовно-процессуального кодекса анализируются порядок применения данной меры пресечения и возникающие в практике проблемы.

Ключевые слова: заключение под стражу, обвиняемый, подозреваемый, защитник, задержание.

Кириш. Ҳукукий давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, жиноят процессида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган мажбурлов чораларини қўллаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Қамоққа олиш энг оғир эҳтиёт чораси бўлиб, у шахснинг ҳаракатланиш эркинлигини чеклайди. Шу сабабли, уни қўллашдаги ҳар бир жараён қонунийлик, асосланганлик ва адолат тамойилларига тўлиқ мос келиши шарт.

Қамоққа олишни қўллаш асослари ва унинг долзарб муаммолари

Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасига кўра, “қамоққа олиш айбланувчи, гумон қилинувчи ёки судланувчи шахснинг жамият учун хавфлилик даражаси, содир этилган жиноятнинг оғирлиги, шунингдек, унинг тергов ёки суддан яширинишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”³, деб кўрсатилган бўлиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт.”⁴ деб қатъий кўрсатиб ўтилган. Бироқ ҳозирги вақтда амалиётда шахсга нисбатан ушбу эҳтиёт чораси қўллашда асоссиз равишда мурожаат қилинаётгани кузатилиб келинмоқда.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақатгина бошқа юмшоқроқ эҳтиёт чораларини (масалан, гаров ёки уй қамоғи) қўллаш орқали жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслигига қафолат бера олмаганда қўлланилиши керак. Бироқ кўп ҳолларда бу тамойилга риоя қилинмасдан, асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир қилган айбланувчилар нисбатан ҳам қўлланилиб ушбу шахсларни ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига сабаб бўлмоқда, “Қоида тариқасида эҳтиёт чоралари айбланувчиларга нисбатан қўлланилади, яъни шахсга нисбатан айблов

³ Ўзбекистон Республикаси ЖПК-22.09.1994

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – 01.05.2023



Date: 7th October-2025



эълон қилинган бўлиши лозим. Алоҳида ҳолларда эҳтиёт чораси гумон қилинувчи сифатида ЖПК 221-моддасига асосан, ушланган шахсга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда эҳтиёт чораси ўн кунгача муддатга (ушлаб туриш вақти ҳисобга олинган ҳолда) қўлланилган ҳисобланиб, шу муддат ичида гумон қилинувчи жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши шарт.”⁵ .Шунингдек, айрим ҳолларда кўришимиз мумкинки, суриштирувчи ёки терговчилар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш мақсадида жиноят ишларини оғирроқ моддага малакалаб, шахсларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланмоқда, бироқ ушбу жиноят иши бўйича тергов якунланиб, ишлар судловга юборилгандан кейин, суд томонидан айбланувчиларга нисбатан қўлланган эҳтиёт чоралари ўзгартирилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланмоқда, ушбу ҳолат юзасидан юридик фанлари номзоди Г.Тўлаганова ҳам ўзининг илмий изланишларида қуйидаги фикларини билдириб ўтган “Суриштирувчи, амалдаги процессуал нормаларга кўра, ўзи юритаётган жиноят иши бўйича эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳукукига эга. Пекин суриштирув органлари кўпинча қамоққа олиш тарзидаги жиддий эҳтиёт чорасини танлаш учун етарли далилларга эга бўлавермайди. Ишнинг дастлабки босқичида унинг турли томонлари ўрганилмай туриб, қамоққа олиш чорасини қўллаш фуқароларнинг кейинги ҳаётларига, уларнинг иш фаолиятларига ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Эҳтиёт чорасини факат айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган ёки вақтинча ушлаб турилган I умон қилинган шахсларга нисбатан қўлланилишига йўл қўйилади”⁶.

Ижтимоий хавфлиликни асослашдаги муаммолар. Ҳар бир иш ўзига хос хусусиятларга эга. Жиноятнинг оғирлиги шахснинг кейинги ҳаракатлари (масалан, терговдан қочиш ёки янги жиноят содир этиш) ҳақида аниқ ҳулоса чиқаришга асос бўла олмайди. Шахснинг ҳаёти ва ижтимоий шароити, аввалги судланганлиги ва жамиятдаги ўрни ҳам инобатга олиниши керак. "Ижтимоий хавфлилик"ни аниқлашда терговчи ва прокурорларнинг субъектив фикрларига таяниш хавфи мавжуд. Шунингдек жиноят ишлари доирасида айбланувчи шахсларга нисбатан “қидирув” эълон қилишда ҳам айби исботланмаган шахсларга ҳам қидирув эълон қилиш ҳолатлари кузатилмоқда, ушбу ҳолат бўйича илмий тадқиқот олиб борган О.Болтабоев ўзининг илмий изланишларида қуйидагиларни билдириб ўтган “Жиноят процессуал қонунчилигидаги айбланувчини қидириш деганда “ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида айбли ижтимоий хавфли қилмиш содир этиб, ўзига нисбатан сиртдан ёки тўғридан-тўғри айб эълон қилинган ҳамда далилларни йўқ қилиш ёки келгуси жиноятини давом эттириш ёхуд жазодан ва

⁵ Мавланов К. Применение меры пресечения в виде заключения под стражу, в отношении подозреваемого в уголовном в судопроизводстве //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 12/S. – С. 265-269.

⁶ Тўлаганова Г. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланилиши муаммолари //Т.: Адолат. – 2005. – Т. 192.

Date: 7th October-2025

жавобгарликдан қочиш мақсадида тергов ва суд идораларидан яширинган шахсни қидириш” тушунилади.”⁷ деб кўрсатиб ўтган. Бу эса қарорларнинг асоссиз бўлишига ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Қамоққа олишни асослаш учун, ЖПКнинг 242-моддасида назарда тутилган барча асослар исботланиши керак. Аммо "ижтимоий хавфлилик"ни объектив далиллар билан исботлаш мураккаб. Масалан, шахснинг "жамият учун хавф туғдириши"ни исботлаш учун унинг янги жиноят содир этиш эҳтимоли, гувоҳларга босим ўтказиши ёки бошқа шахсларга хавф солиши каби аниқ фактлар бўлиши керак. Кўпинча бундай фактлар етарлича таҳлил қилинмайди ёки улар фақат тахминларга асосланади. Шунингдек, жиноят содир қилган шахс муқаддам судланмаган, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланадиган, аниқ яшаш жойига эга бўлган бўлсада баъзи ҳолларда, ушбу шахснинг “ижтимоий хавфлилик” даражасини белгилашда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан булар инобатга олинмайди.

Қамоққа олишнинг муддати ва уни узайтириш тартиби

Жиноят процессуал қонунчилигида қамоққа олиш муддати аниқ белгилаб қўйилган бўлса-да, бу муддатни узайтириш механизмларида муайян муаммолар мавжуд. Биз биламизки бу каби эҳтиёт чораларини қўллаш уларни муддатини узайтириш суднинг асослантирилган ажрими билан олиб борилади, ушбу ҳолат бўйича илмий тадқиқоқ олиб борган Ф.Маликов ўзининг изланишларида “Суд ҳужжати шакли у қонуний деб топилиши учун унинг мазмуни жавоб бериши лозим бўлган ҳуқуқий ва ахлоқий талаблар билан узвий боғлиқ. Қабул қилинган суд ҳужжатини тегишли шаклда ифодалаш маълум даражада қонунни қўллаш жараёнини яқунловчи мустақил ҳаракат ҳисобланади, шу боис ҳужжат шакли жавоб бериши лозим бўлган талаблар мустақил кўриб чиқиши ҳам мумкин. Суд ажрими, қарори ёки ҳукмини ифодаловчи ҳужжатда ҳуқуқий ҳужжатга хос бўлган, унинг қонунийлиги ва асослилигини тавсифлайдиган барча хоссалар акс эттирилиши лозим. Суд ҳужжатининг қонунийлиги унда тегишли суд ҳужжатини бажариш тартиби ва муддати кўрсатилишини ҳам назарда тутди. Жумладан, суднинг қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорида қамоқда сақлаш муддати қанчага узайтирилгани кўрсатилиши лозим. Бу муддат дастлабки тергов органи сўраган муддат доирасида узайтирилади”⁸ деб кўрсатилган. Амалиётда муддатлар баъзан терговни яқунлашга улгурмаслик, жиноят ишларини тергов қилишни ўз ҳолига ташлаб қуйиш ёки бошқа техник сабаблар туфайли узайтирилади. Бу эса қамоққа олинган шахсларни ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши олиб келади. Шу сабабли, қамоқ муддатини узайтириш учун аниқ ва асосли сабаблар мавжудлиги назорат қилиниши керак. Агар тергов муддатини узайтиришга асослар мавжуд бўлмаса, судлар қамоқ муддатини узайтиришдан кўра, гумонланувчига нисбатан

⁷ Болтабоев О. ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКДА ШАХСГА НИСБАТАН ҚИДИРУВ ЭЪЛОН ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 82-87.

⁸ Маликов Ф. Совершенствование стадии постановления приговора в судебном заседании первой инстанции //Обзор законодательства Узбекистана. – 2015. – №. 2. – С. 53-55.

Date: 7th October-2025

бошқа юмшоқроқ эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор қабул қилиш масаласини кўришлари лозим.

Қамоққа олиш эҳтиёт чорасининг самарадорлиги унинг адолатли, қонуний ва асосланган ҳолда қўлланилиши билан боғлиқ. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифлар берилади жумладан, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга оид илтимосномада муқобил эҳтиёт чораларини қўллашнинг имконияти йўқлиги аниқ далиллар билан асослантирилиши керак. Судлар қамоққа олиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқишда янада қатъий ва танқидий ёндашишлари, тергов органи томонидан тақдим этилган асосларнинг тўлиқ исботини талаб қилишлари зарур.

Ушбу таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг инсон ҳуқуқларини камроқ чеклаган ҳолда жиноят процессининг мақсадларига эришишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

¹ Ўзбекистон Республикаси ЖПК-22.09.1994

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – 01.05.2023

³ Мавланов К. Применение меры пресечения в виде заключения под стражу, в отношении подозреваемого в уголовном в судопроизводстве //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 12/S. – С. 265-269.

⁴ Тўлаганова Г. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари //Т.: Адолат. – 2005. – Т. 192.

⁵ Болтабоев О. ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИҚДА ШАХСГА НИСБАТАН ҚИДИРУВ ЭЪЛОН ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 82-87.

⁶ Маликов Ф. Совершенствование стадии постановления приговора в судебном заседании первой инстанции //Обзор законодательства Узбекистана. – 2015. – №. 2. – С. 53-55.